



BOLALAR SPORTI

MADANIY-MA'RIFIY AXBOROT GAZETASI

e-mail: bolalarsportiuz@umail.uz

27 (214)-СОН 07.09.2021 йил, сешанба.
Баҳоси келишилган нарҳда

«5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС»НИНГ
ИККИНЧИ ЙУНАЛИШИ ЁШЛАРНИ
ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚТИРИШ, УЛАРНИНГ СПОРТ
СОҲАСИДАГИ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ НАМОЁН
ЭТИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА
ЙУНАЛТИРИЛГАН.

БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС

ИЖРОСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НАЗОРАТИДА



ВАРИАТИВ

Ўқув дастуридан
фойдаланилмоқда

ҚУМҚУРҒОНЛИК

ЕНГИЛМАСЛАР

ДИЛНУРАНИНГ
ИМКОНИАТЛАРИ ЮҚОРИ
ТИНИМ БИЛМАС СПОРТЧИ
БОЛАЖОНЛАР

ВАТАННИ УЛУҒЛАЁТГАН ЁШЛАР



«Bolalar sporti» газетасига обуна бўлинг ва фарзандингизнинг муваффақиятларини кузатиб boring!

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

ВАРИАТИВ

Ўқув дастуридан
фойдаланилмоқда

Олти ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш долзарб масалалардан бўлиб, Мактабгача таълим вазирлиги томонидан бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ, мактабгача таълим ёшидаги болалар қамровининг янги мақсадли кўрсаткичларига кўра, 2025 йилга келиб олти ёшли болаларни мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳларига тўлиқ жалб қилиш, шунингдек, 2030 йилгача республикадаги 3-7 ёшдаги болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олиш режалаштирилган.

Юртимиздаги мактабгача таълим тизимига қамраб олинган 669 минг 198 нафар 6 ёшли болаларнинг 114 минг 286 нафари қисқа муддатли гуруҳларда, 89 минг 240 нафари бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳларида, 311 минг 618 нафари эса мак-

табга тайёрлов гуруҳларида қамраб олинди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига оид масалалар юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Таъкидланишича, мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган 6 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш учун «Илк қадам» мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури ҳамда «Илм йўли» вариатив ўқув дастуридан фойдаланилмоқда. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизими орқали мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирил-

ган болаларни тарбиялаш, келгусида муваффақиятли ўқув фаолияти учун шарт-шароитларни шакллантириш ва уларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш 6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш харажатлари тўлиқ бюджет ҳисобидан қопланиб, 1 нафар болага давлат бюджетидан ойига 416 минг 700 сўм, йилига 5 миллион сўм маблағ ажратилмоқда. Мажбурий бепул таълимга 2020 йилда 50 миллиард сўм, 2021 йилда 57,8 миллиард сўм маблағ ажратилган.

– Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда 6 ёшли болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш кўрсаткичларининг кенгайиб бориши мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг давлат талабларига мувофиқ ҳар томонлама

ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш имкониятларини оширади, – деди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. – Шунингдек, Мактабгача таълимга қамраб олинган болалар келгусида бошланғич таълим даврида ўзларини эркин ҳис қилишлари, тенгдошлари билан осон ижтимоий муносабатларга киришиш имкониятлари пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, 6-7 ёшли болалар учун мўлжалланган мажбурий бошланғич таълимга бир йиллик тайёрлаш гуруҳлари ҳамда қисқа муддатли гуруҳлар болаларини тўлиқ кунлик мактабгача таълим ташкилотига бериш имкониятига эга бўлмаган ёки муайян сабабларга кўра, бунга интилмайдиган ота-оналарнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга ҳам хизмат қилади.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА



Янги боғча

«Келажак юлдузлари салтанати»



Наманган вилояти Давлатобод туманида янги «Келажак юлдузлари салтанати» номли мактабгача таълим ташкилоти ўз ишини бошлади.

Давлатобод туманида янги, давлат хусусий шерикчилиги асосида «Тўқувчи» МФИда барпо этилган мактабгача таълим ташкилотининг очилишига бағишлаб ташкил этилган тадбирда вилоят

ҳоқими Шавкат Абдураззоқов, сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мазкур лойиҳа қиймати 1 млрд. 88 млн. сўм, умумий сарфланган маблағ эса 2 млрд. 200 млн. сўм, кредит маблағи 1 млрд. 100 млн. сўмни ташкил этмоқда. МТТ 75 нафар болажонга мўлжалланган. Таълим ташкилотига 4 та гуруҳ

хонаси, спорт, мусиқа хонаси, овқатланиш хоналари, ўйингоҳлар, ёзги айвончалар мавжуд. Маълумот учун туманда ҳозирда 79 та МТТ мавжуд бўлиб, бундан 25 таси давлат, 54 таси нодавлат МТТ ҳисобланади, мазкур муассасалар жами 10 112 нафар болаларни қамраб олган.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ,
ЎЗА

ЭНГ ФАОЛ СПОРТЧИЛАР



«ТОКИО – Пара-таэквондочи Гулжаной Наимова Ўзбекистон жамоаси 2020»: учун «Токио-2020» Паралимпия ўйинларига чиройли яқун ясаб берди. Ҳамюртимиз Бразилия вакилига қарши кечган баҳсда галаба қозониб, олтин медаль соҳибасига айланди. Шу тариқа «Токио-2020» Паралимпия ўйинларини Ўзбекистон делегацияси 19 та медаль (8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза) билан яқунлади, дейилади Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабарида.

ҚУМҚУРҒОНЧИЛАР

енгилмаслар

– Бугунги уйғониш даври ҳар бир соҳа олдида улкан масъулият ва вазифаларни қўймоқда, – дейди Қумқурғон туманидаги 10-мактабгача таълим ташкилоти директори Муҳаббат Айтуганова. – Чунки, қай бир соҳага қараманг, улкан ўзгариш ва изчил ислохотларни кўрасиз. Зеро, ҳаракат ва самара ислохотларда натижадорликни оширади. Бу борада эса мактабгача таълим ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бор. Зеро, келажак учун илк қадам боғчалардан қўйилади.

140 нафар тарбияланувчи таълим ва тарбия олаётган муассасада 50 нафар тарбиячи-педагог ва ходимлар болажонларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, уларнинг дунёқарашларини бойитиш ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Беш муҳим ташаббус доирасида болажонларга инглиз ва рус тилларини ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Мусиқа ва рассомчилик сирлари эса тажрибали педагоглар томонидан олиб борилляпти. Болажонларга китобхонлик соатларида тарбиячилар томонидан образли тарзда эртак ва ҳикоялар ўқиб берилляпти.

Энг муҳими, боғчада тарбияланувчиларни спортга қизиқтириш мақсадида турли дидактик ва ҳаракатли ўйинлардан фойдаланган ҳолда болажонлар ва тарбиячилар иштирокида эрталабки бадантарбия машқлари ҳам ритмик ҳаракатлар билан бажарилмоқда.

Яқинда тарбияланувчилар ўртасида «Давлат рамзи – менинг ғурурим» шиори остида шахмат бўйича мусобақа ўтказилиб, унда Бехзод Маматмўминов ғолиб бўлди.

Боғчада тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, тарбияланувчилар ва ота-оналар билан мунтазам спорт мусобақалари ўтказилиб келиняпти. Яқинда оталар ва болалар ўртасида ҳам «Дадам – менинг фаҳрим» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди. Мусобақада Нурбек Холматов қизалоғи Зайнура билан ғолиб бўлди ва маъмурият томонидан совғалар билан тақдирланди. «Энг фаол

спортчи» деб тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиси Аслиддин Рўзиев топилди ва МТТ директори совринини қўлга киритди.


Муассасада мунтазам равишда тарбиячи-ходимлар ўртасида ҳам спорт мусобақалари ўтказиб келиняпти. «Қувноқ стартлар», «Арғамчида сакраш», «Югуриш», «Турган жойдан узунликка сакраш», «Арқон тортиш» каби мусобақалар шулар жумласидандир.

Яқинда ўтган «Қувноқ стартлар» мусобақасида катта гуруҳ тарбияланувчилари иштирок этишди ва «Бинафша» гуруҳи ғолиб бўлди. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтган «Ким узоққа улоқтириш», «Турган жойдан узунликка сакраш», «Югуриш» каби мусобақаларда фаол иштирок этган тарбияланувчилар боғча маъмурияти томонидан муносиб тақдирланди.

«Спортни сев, спорт билан яша» шиори остида гуруҳлар ўртасида мунтазам спорт мусобақалари ташкил этилиб, унда болажонлар очик ҳавода жисмоний чиниқтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, боғчада таълим ва тарбия олаётган ҳар бир бола эътиборда. Уларнинг билимли ва соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари учун муассаса жамоаси астойдил ҳаракат қилляпти.

Фазилат ЭРКИНОВА
тайёрлади.



ЧЕГАРАЧИЛАР ЖАМОАСИ «МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионида поло бўйича Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган «Мустақиллик кубоги» баҳслари бўлиб ўтди. Турнир доирасида ташкил этилган қорабайир зотли отларнинг биринчи миллий фестивали, «Юртимиз тулпорлари» фото кўргазмаси от спортига қизиқувчиларда катта таассурот қолдирди. Уч кунлик мурасиз баҳсларнинг ярим финал натижаларига қўра, 1-ўрин учун Ўзбекистон темир йўллари ва Чегарачилар жамоаси баҳслашган бўлса, 3-ўрин масаласига Миллий гвардия ва Нествон жамоаларининг баҳси аниқлик киритадиган бўлганди. Дастлаб Миллий гвардия ва Нествон жамоалари 3-ўрин соҳибини аниқлаш учун майдонга чиқди. Поло спорт қоидаларини чиройли бажарган ва сафида қорабайир отлари бўлган Нествон жамоаси деярли барча чаккер (бўлим)ларни ўз фойдасига ҳал қилиб, «Мустақиллик кубоги»нинг бронза медалига сазовор бўлди. Финал ўйинида эса аввалига Ўзбекистон темирйўлчиларининг қўли баланд келаётган эди. Аммо сўнги чаккерларда Чегарачилар жамоаси аъзолари галабага бўлган иродасини намойиш қилди ва илк бор ташкиллаштирилган турнирнинг бош соврини – «Мустақиллик кубоги»га сазовор бўлди. Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Т. РЎЗИЕВ, ЎЗА

АҚЛЛИЛАР

БОЁВУТЛИК

ТИНИМ БИЛМАС
СПОРТЧИ
БОЛАЖОНЛАР

Боёвут туманидаги 24-мактабгача таълим ташкилотимиз жорий йилда қайта реконструкция қилиниб, замонавий мебеллар билан жиҳозланди ва ўтган чоракда ўзини фаолиятини бошлади. Айни кунда бу ерда 150 нафар болага 15 нафар тарбиячи-педагоглар «Илк қадам» давлат ўқув дастури асосида таълим ва тарбия бериб келмоқда.

Муассасамизда тарбияланувчиларнинг таълим ва тарбия ишларини самарали ташкил этишда «Беш муҳим ташаббус» дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, болажонларни маданият, санъат, спорт, китобхонликка бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган машғулотлар олиб борилмоқда. Инглиз, рус тиллари ўргатилмоқда. Шунингдек, мусиқа ва рассомчиликдан ҳам илк сабоқлар берилляпти. Китобхонлик соатларида болажонларимиз тарбиячилар томонидан қизиқарли эртақлар эшитиш билан бирга саҳна кўринишларида эртақ қаҳрамонларига ҳам айланишляпти. Ташаббус доирасида болажонларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, болажонлар ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажаришдан ташқари, якка ва жамоа бўлиб «Ким эпчилу-ким чаққон?», «Арқон

тортиш», «Коптокни узат», «Кеглини қулат» каби спорт ўйинларида беллашмоқда. Шунингдек, тарбияланувчиларимиз ўртасида ўтказилган «Велосипед ҳайдаш» мусобақасида болажонларимиз ўзларининг чаққонлик ва эпчилликларини намойиш этдилар. Мусобақа якунида 1-ўринга Асрор Қосимов, 2-ўринга Фозил Бурҳонов ва 3-ўринга Шоҳжаҳон Жўрабоевлар муносиб топилиб, маъмуриятимиз томонидан медаль ва диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Муассасамиз мусиқа ўқитувчиси Хуршида Қосимова томонидан барча гуруҳларда «Онажон», «Боғчам», «Ватаним», «Китобим» каби кўшиқлар ўргатилляпти. Тарбияланувчиларни меҳрибон, оқ кўнгил ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган. «Эртақлар – яхшиликка етаклар», «Оилам», «Яхши ва ёмон» каби саҳна кўринишлари ҳам намойиш этиляпти. Тарбияланувчиларимизнинг

мустақил фикрлашларини ўстириш, нутқини ривожлантириш, иқтидорларини намойиш этишларига шароит яратиш мақсадида «Нутқ ўстириш», «Тез ўйла-тез топ» каби ўйинлар ташкил этилмоқда. Ушбу машғулотлар боғчамиз методисти Лола Лапасова томонидан олиб борилиб, болажонларга меҳрибонлик, ширинсуханлик, кўтаринки кайфият улашиш каби юксак маданият қоидалари ҳам ўргатилляпти. Шунингдек, ҳар бир гуруҳда болажонлар дунёқарашини ошириш мақсадида маънавий марказлар ташкил этилган. Муассасамизда тарбияланувчилар ўртасида «Китобхон болажон», қизалоқларимиз учун эса «Мен атлас кияман» кўрик-танловлари ўтказилди ва Нодира Бурхонова ҳамда Диёра Бектўраевалар ғолибликни кўлга киритишди.

Комила САТТОВА,
Боёвут туманидаги
24-мактабгача таълим
ташкilotи тарбиячиси.

«BOLALAR SPORTI» МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АХБОРОТ ГАЗЕТАСИ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ СПОРТЧИ
БОҒЧАСИ»

танловини
эълон қилади.

Унда энг кўп спорт тадбирлари ўтказган ва энг кўп ёш иқтидорларни кашф этган мактабгача таълим ташкилотлари ғолиб, деб топилиб, 1-ўринга «Болалар спорти» газетасининг 10 миллион сўмлик спорт жиҳозлари, 2-ўринни эгаллаган МТТга 7 миллион сўмлик ҳамда 3-ўрин ғолибига 5 миллион сўмлик спорт инвентарлари топширилади. Бундан ташқари, 100 та МТТга рағбатлантирувчи мукофотлар берилади. Ушбу танлов ғолибларини аниқлашда Мактабгача таълим вазирлиги мутасаддилари бизга амалий ёрдам кўрсатадилар, деган умиддамиз.

Шунингдек, таҳририят ёш спортчи юлдузларни кашф этиш мақсадида «МАЙДОНДА МИТТИ ПОЛВОНЖОН» ва «БАРЧИНОЙ»лар Республика расмий мақолалар конкурсини ҳам эълон қилади. **Азиз ота-оналар! Бобо ва бувилар! Конкурсада қатнашиш учун фарзандингиз ёки набираларингиз ҳақидаги маълумот ва расмларни bolalarsporti@bk.ru электрон почтасига ёки 97 755-10-11 телеграм рақамига юборишингизни сўраймиз!**



ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ: Тошкент қиличбозликнинг истиқболли режалари бўйича 3 минтақа: Осиё, Пан Америка ва Африка конфедерацияларининг халқаро конференциясига мезбонлик қилди. Тадбир давомида ҳар бир минтақа вакиллари қиличбозлик истиқболи йўлида муҳим лойиҳа ва дастурларни муҳокама қилиб олишди.



ДИЛНУРАНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ЮҚОРИ

1986 йили ташкил топган Узун туманидаги 6-мактабгача таълим ташкилотимизда 210 нафар болажонга 23 нафар тарбиячи-педагог ҳамда 29 нафар ходим хизмат қилади. Муассасамизда болажонларнинг соғлом ва баркамол тарбиялаш ва сифатли таълим ва тарбия беришга устувор аҳамият қаратиляпти.

Таълим жараёнига ўзига хос метод, педагогик-психологик тайёргарлик билан киришиб, болажонларнинг кундалик фаолиятини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш, бу борада вақтдан унумли фойдаланиш, тарбияланувчиларнинг қобилиятларини аниқлаб ва шунга қараб жараёнга ижодий ёндашиляпти ва янги методлар асосидаги машғулотлар замон талабига хос тарзда ўтказилмоқда.

Бу борада тарбиячи-педагоглар ва оналар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Беш муҳим ташаббус доирасида болажонлар мусиқа ва рассомчилик сирларини ўрганишяпти, китобхонлик соатларида тарбиячилар томонидан образли тарзда ўқиб берилаётган эртақ қаҳрамонларига айланишмоқда. Бу эса болажонларни китобга ошно этиш билан бирга уларнинг театрлаштирилган сахна кўринишларига бўлган иштиёқини ҳам оширяпти. Гуруҳлар ўртасида «Ёш эртақчи болалар» кўриктанловининг ўтказилиши уларнинг сахнада роль ижро этишлари учун имконият яратяпти.

Ташкилотимизда инглиз тили ва бадий

гимнастика тўғараклари ташкил этилган. Шунингдек, спорт мусобақаларининг ўтказилиши болажонларнинг спортга бўлган қизиқишларини орттиришдан ташқари, уларнинг туман ва вилоятда бўлаётган спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишларида муҳим омил бўляпти. Хусусан, бадий гимнастика бўйича туман, вилоят ва республикамизда ўтказилган мусобақаларда гўзал маликаларимиз муносиб ўринларни эгаллаб, диплом ва эсдалик совғаларини олишга эришдилар.

Боғчамизнинг спорт йўриқчиси Гулмира Меликмуродова «Соғлом бўлиб ўсамиз» шиори остида спорт мусобақаларини ташкил этиб, болажонларимизнинг югуриш, узунликка сакраш, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича чиниқишида ўз тажриба ва маҳоратини ишга соляпти. Бунда эса тарбияланувчиларимизнинг спортда эришаётган ютуқлари қувонарли. Ташкилотимиз тарбияланувчиси Дилнур Назаралиева бадий гимнастика бўйича Тошкент шаҳрида «Спорт билан яша» шиори остида бўлиб ўтган мусобақада иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллади.

Бир сўз билан айтганда, болажонларнинг таълим ва тарбия олишларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш йўлида бор куч ва маҳоратимиз ишга солиняпти.

Фотима АШУРОВА,
Узун туманидаги 6-мактабгача таълим ташкилоти директори

ЁШ ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

Мактабгача таълим ташкилотимизнинг тарбияланувчилари иштирокида «Истеъдодли болажон» танлови бўлиб ўтди. Мазкур тадбир болажонларнинг ўз истеъдодларини намоён этишлариغا имкон берилгани билан аҳамиятлидир.

Унда қатнашчилар «Энг яхши яккагон қўшиқчи гуруҳ», «Энг яхши қўшиқ куйловчи гуруҳ», «Энг яхши миллий рақс ижроси», «Энг яхши миллий рақс гуруҳи», «Энг ифодали ўқилган шеър», «Эртақчи болажон» каби номинацияда ўз иқтидорларини намоиш этишди.

Шунингдек, тадбирда Заҳрохон Адҳамжонова, Дилшодахон Турдалиева, Мунисахон Алижоннова, Осиёхон Маъруфжоннова, Суғдиёна Алижоннова, Муслимахон Абдуваҳобова ҳамда Билолиддин Зокировлар муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Қувонарлиси, гўзал раққоса қизларимиз «Энг яхши миллий рақс

гуруҳи» номинациясида фахрли биринчи ўрин соҳибаларига айланишди.

«Билим – бахт калитидир», дейди доно халқимиз. Биз ёш авлодни тарбиялашга, билим беришга куч-қувватимизни сарфласак, улар келажакда ватан учун керакли инсон бўлиб улғайса, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз, олдимизга қўйган эзгу мақсадимиз ҳам шу, аслида.

Шубҳасиз, келажакимиз эгаларининг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида тарбиячилардан ҳам катта масъулият талаб этилади. Шундай экан болажонларимизнинг ўз истеъдодларини намоён этишлари ва мустақил фикрлайдиган шахс бўлиб камол топишида биз каби фидойи педагогларнинг меҳнати салмоқли, албатта.

Мавжуда ШЕРАЛИЕВА,
Фарғона вилояти, Қува туманидаги 10-МТТ тарбиячиси



ИФТИХОР

5 сентябрь кунин Татаристон пойтахтида бўлиб ўтган 1– МДХ мусобақалари якунига кўра, Ўзбекистон байроғи 36 марта кўтарилди.

ВАТАНИМИ УЛУҒЛАЁТГАН ЁШЛАР



Ушбу турнирнинг эркин ва юнон-рум кураши, бокс, белбоғли кураш мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Якшанба кунги бокс ва белбоғли кураш баҳсларининг натижаларига кўра, Ўзбекистон спорт делегацияси 14 тадан олтин ва кумуш, 8 бронза медалларига эгаллик қилган ҳолда 9 давлат ўртасида 7-поғонадан 2-ўринга кўтарилиб олди. Белбоғли кураш беллашувларида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин, 3 кумуш ва битта бронза билан умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Усмон Махаматовнинг билдиришича, МДХ ўйинларида 8 нафар ўғил ва 5 нафар қиз бола спортчиларимиз ўз вазнларида ғолиблик учун кураш олиб борган. Шиддатли курашлар якунида белбоғли курашчиларимиз спорт майдонидаги азалий рақиблари бўлган Россия ва қозоғистонлик тенгдошларини катта фарқ билан ортда қолдирди. Россиялик курашчилар 4 олтин, 1 кумуш ва 6 бронза медаллари билан вакилларимиздан кейинги ўринни олган бўлса, қозоғистонлик ёш курашчилар 2 олтин, 5 кумуш ва 3 бронза билан умумжамоада 3-ўринни эгаллади. Белбоғли кураш мусобақаларида шунингдек, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжон спортчилари медалларга сазовор бўлишди. Молдова, Беларусь, Арманистон спортчилари эса бирорта ҳам совринли ўринни эгаллаш олмади. – Ушбу мусобақага икки йил мобайнида тайёрландик. Ўтган йилги карантин сабабли таркибимизда жиддий ўзгаришлар бўлди. Бир қатор ишонган спортчиларимиз ёши 23 ёшдан ошганлиги сабабли уларнинг ўринини ёшлар эгаллади. Муҳими, ёшлар ишончимизни оқлади. Машғулотларни тактик ва техник жиҳатдан тўғри олиб борганлигимиз самара берди. Кураш майдонларидаги доимий рақибимиз – россиялик курашчиларни ўз майдонида мағлуб эта олдик. Шогирдларимиздан Ойбек Султонов, Камронбек Муҳаммадиев, Ойбекжон Султонбоев, Муҳаммаджон Расулов, Фарангиз Абдунабиева,

Муфтунабону Маҳмудова, Моҳигул Ибрагимова, Бийбиғауҳар Полатбаева, Земфира Носирова ва Мунисахон Носированинг олтин медални қўлга киритиши шарафига Ўзбекистон мадҳияси 1-МДХ ўйинларида янграши ўзига хос воқелик бўлди. Бу биринчидан, спортчиларимизга катта руҳий қувват бағишлаган бўлса, иккинчидан, Ватанимиз номи белбоғли кураш мусобақалари туфайли 11 марта улуғланди, – дейди биз билан телефон орқали мулоқотда белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Усмон Махаматов. Барчанинг диққат марказида бўлган бокс мусобақалари кутилганидек минглаб ишқибозлар гувоҳлигида ўтказилди. Россиядаги интернет манбаларининг маълумотларига кўра, МДХ ўйинларининг чипталари ҳам айнан бокс мусобақаларида энг кўп сотилган. Бундан ташқари, Россия ва хорижий мамлакатлардаги интернет нашрлари ўз саҳифаларидан Қозон рингидаги воқеа-ҳодисаларга кенг жой ажратган. Аввал хабар берганимиздек, Қозон ўйинлари бокс баҳсларининг ўғил болалар ўртасидаги финал жангларида 7 нафар, қизларимиздан 9 нафари олтин медаллар учун кураш олиб борди. Сўнги натижаларга кўра, боксчи йигитларимиз 4 олтин, 3 кумуш ва 2 бронза медалига сазовор бўлди. Қизларимиз 3 олтин, 6 кумуш, 2 бронза, жами 7 олтин, 9 кумуш ҳамда 4 бронза билан умумжамоа ҳисобида Россиядан кейин 2-ўринга кўтарилиб олди. 3-ўрин қозоғистонлик ёш боксчиларга насиб этди. Кеча МДХ ўйинларининг кураш, ўқ отиш ва баскетбол (3x3) баҳсларида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, муай-тай ва стентдан ўқ отиш спорт турларида саралаш мусобақалари ўтказилди. Ҳозирча 1-МДХ ўйинларида 40 та олтин медаль билан россиялик спортчилар умумжамоа жадвалини бошқариб бормоқда. Умумий ҳисобда Ўзбекистон ёшлари 2-ўрин, қозоғистонликлар 3-ўридан жой олган.

Т. РЎЗИЕВ, ЎЗА

6 СЕНТЯБРЬ – БУТУНЖАҲОН КУРАШ КУНИ

Кеча ўзбек миллий кураши бутун дунё бўйлаб ўз байрамини нишонлади. Бир неча йилдан буён ушбу сана норасмий байрам сифатида нишонлаб келинган бўлса, 2017 йилга келиб, 6 сентябрь – «Кураш миллий спорт тури кунин» сифатида расман тан олинди ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони имзоланди.

Бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортқ мамлакатда Миллий федерациялар ташкил қилинган. Ўз навбатида, миллий спортимиз ҳам тобора йирик комплекс мусобақалар дастуридан муқим ўрин олмоқда. Жумладан, 2017 йил Туркменистонда ўтган Жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари, 2018 йил Индонезияда ўтган Осиё ўйинларида мазкур спорт тури бўйича баҳслар ўтказилди. Бу йўлда барчамизнинг эзгу мақсадимиз, шубҳасиз, ўзбек миллий курашини Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир.



СПОРТ ВА САЛОМАТЛИК



Маълумки, камҳаракатлилик танада моддалар алмашинувини издан чиқариб, организм тўқималарида ортиқча ёғ йиғилишига, яъни, семизликка олиб келади.

ЎМБОҚЛАРГА

«ДЎМБОҚ» МАСЛАҲАТ



Бундай ҳолат хамирли овқатлар, ширинликлар, картошка, ёғли гўшт ва сариёғни кўп истеъмол қиладиган болаларда ҳам тез-тез учраб туради. Семизликка мойиллик гендан ўтган, ортиқча овқатланишдан ёки бирор касалликдан бўлиши мумкин. Агар семизликка мойиллик гендан ўтган бўлса, ортиқча вазндан қутулиш қийин кечади. Бундай кишилар доимо ҳаракатда бўлиши, кам аммо витаминли таомлар истеъмол қилиши лозим. Овқатни ҳеч қачон шошиб емаслик, ҳар доим овқатланишдан олдин бир бўлак қарам ёки сабзи ейиш ниҳоятда фойдалидир. Бунда қарам барги танадаги ортиқча ёғларни парчалашга ёрдам бериб, очлик ҳиссидан халос этади.

ЭСЛАТМА!

Ҳар бир машғулоти, албатта, чуқур нафас олиб чиқариш билан якунланг. Машғулотдан сўнг илиқ душ қабул қилинг, чўмилиб чиққач, сочиқ билан танангизни қаттиқ ишқалаб артинг. Бу тортилган терининг қайта тикланишига ёрдам беради. Машқларни аввалига оз-оздан бошлаб, аста-секин кўпайтириб боринг. Ҳар бир машқни оҳиста ва гавдани эркин тутган ҳолда бажариш лозим. Машқ бажариш билан бирга қўшимча 1-2 дақиқа югуриш, юриш ва нафас олиш, сўнг яна югуриш керак. Бундан ташқари, кунига 2-3 маҳал сайр қилинг. Аввал 2-3 км.дан бошлаб, кейинчалик 10 км.гача етказиш керак (бунда, кунлик умумий масофа ҳақида гап кетмоқда, битта сайрнинг ўзида 10 км. юриш шарт эмас).

Шу ўринда ортиқча вазн ортириб олмаслик учун мушаклар доимо ишлаб туриши зарурлигини, улар қанча кўп ҳаракатда бўлса, моддалар алмашинуви шунчалик яхшиланиб, ички аъзолар ёғ бошишининг олди олинишини таъкидлаш жоиз.

ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ХАЛОС БЎЛМОҚЧИМИСIZ?

Семизликни даволашда эрталабки гимнастика, даволаш гимнастикаси, юриш, югуриш, тренажёрлар ва бассейнга қатнаш, очиқ сув ҳавзаларида сузиш, велосипедда сайр қилиш анча самаралидир. Аммо шуғулланишдан олдин, албатта, мутахассис шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Ижобий натижаларга эришиш учун машқларни кун давомида навбатма-навбат, 5 дақиқадан то 45-60 дақиқача бажариш лозим.

САМАРАЛИ МАШҚЛАР

Қўлларингизни икки тарафга ёзиб полга ўтиринг. Кейин қўлларингизни бошининг орқа тарафига қўйиб, олдинга, орқага, ўннга, чапга кетма-кет энгашинг. Бир бажаришда ҳар бир тарафга 50-100 мартадан энгашинг. Осмонга қараб ётинг, қўлларингизни бошингизнинг орқа тарафига олиб боринг. Узатилган оёқларингизни бир-бирига ёпиштириб, пол устида қимирламаган ҳолда гавдангизни кўтаринг. Бу машқни 25-50 марта қайтаринг. Яна осмонга қараб ётинг, оёқларингизни бирлаштирган ҳолда тўғри қилиб юқорига кўтаринг. Қўлларингиз оёқларингизга ёрдам бермасин. Бу машқни ҳам 25-50 марта такрорланг. Қорнингиз билан ётганча, қўл-оёқларингизни тепага кўтарасиз, шунда белингиз букилади. Ўзингизни бўш қўйиб, машқни 15-25 марта бажаринг.

ОЗМОҚЧИМИСIZ, УНДА САКРАНГ!

Арғамчи турли машқлар учун ажойиб восита ҳисобланади. У озишга, мушаклар ва юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Сакраш учун арғамчидан боксчилар, баскетболчилар, волейболчилар фойдаланади. Кунига бор-йўғи 20-30 дақиқа сакраш ортиқча килограммлардан халос бўлишга, саломатлигингизни мустаҳкамлаб, ҳаракатлар координациясини тўғрилашга кўмаклашади. Арғамчида сакраш чидамлиликини ҳам ривожлантиради, вазни камайтиради, нафас олиш тизимини мустаҳкамлаб, қоматни чиройли қилади. Сакраётганингизда оёқ, орқа томон, қўлларнинг мушаклари ишлайди. Эрталаб арғамчида 10-15 дақиқа сакраш кун бўйи сизга яхши кайфият ва тетиклик бағишлайди ҳамда ортиқча вазндан халос бўлишга кўмаклашади.

Раъно ИСЛАМОВА

ИННОВАЦИЯ

«АҚЛВОЙ» БЕКАТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Когон туманининг чекка ҳудудлари бўлмиш «Сиёз поён» ва «Наврўз» маҳаллаларида мобил мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилиб, Мактабгача таълим вазирлиги томонидан етказиб берилган «Ақлвой» автобуси – бепул мобил МТТ фаолият кўрсата бошлади.

Ушбу мобил мактабгача таълим ташкилоти чекка ва узоқ ҳудудларда истиқомат қилувчи болаларга мактабгача таълим хизматини кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, ўқув-услубий, дидактик материаллари, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, миллий маданий-тарихий

бойликларни акс эттирадиган ҳамда болаликдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган бадиий адабиётлар ва барча қўлайликларга эга.

Мобил мактабгача таълим ташкилоти 2 сменада 6 кун мобайнида фаолият олиб боради. Мобил МТТда бир гуруҳда 16 нафар болажон таълим-тарбия олади.

Когон туманида 3-7 ёшли болалар сони 6559 минг нафар бўлиб, уларнинг 3679 минг нафари ёки 57 фоизи мактабгача таълимга қамраб олинган.

Бухоро вилояти Мактабгача таълим бошқармаси Ахборот хизмати

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 195А (181)-сонли умумтаълим мактабини 1996-1997 ўқув йилида битирган Мурашқина Евгения Михайловни номига берилган О'Р-Е №040689 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

«БАРКАМОЛ АВЛОД – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ»

БОЛАЖОНЛАРИМИЗ ЧИНАКАМ ИСТЕЪДОДЛИ ВА АҚЛЛИ, БИЛИМДОН БЎЛИБ ТАРБИЯ ТОПСИН



– Ёшлар келажак бунёдкоридир, – дейди Олмалик шахридаги 3-мактабгача таълим ташкилоти директори Гулирух Насруллоева. – Шундай экан, уларга берилётган таълим ва тарбия қулгусида ўз мевасини бериб, Ватанимиз шарафини янада юксакларга кўтариш учун хизмат қилиши, табиий. 255 нафар болага 60 нафар тарбиячи-педагог ва ходимлар билим ва тарбия бериб келатган ташкилотимиз ўтган асрнинг 60-йилларида қуриб фойдаланишга топширилган. Айни кунда боғчамизда болажонларимизга таълим ва тарбия ишлари «Илк қадам» давлат ўқув дастури асосида замон талабларига мос тарзда олиб бориляпти.

Боғчамизда ҳар бир кунни мароқли ўтказиш мақсадида эрталабданоқ бадантарбия машқлари тарбиячилар билан бирга бажарилиб, кун давомида спорт мусобақаларига улашиб кетяпти. Президентимиз томонидан илгари сурилган Беш муҳим ташаббус доирасида ҳам болажонларимизга инглиз ва рус тилларини ўргатишдан ташқари, уларга мусиқа ва рассомчилик сирларидан ҳам сабоқ бериляпти. Шунингдек, улар китобхонлик соатларида тарбиячиларимиз томонидан образли тарзда ўқиб берилаётган эртак ва ҳикояларни мароқ билан эшитишяпти. Ахборот технологиялари, яъни компьютердан ҳам илк сабоқларни олишиб, турли заковат ўйинлари, маънавий соатларида фаол иштирок этишяпти. Ташаббус доирасида боғчамизда бадий гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича тўғараклар фаолият олиб боряпти. Спорт мусобақалари ташкил этилиб, болажонларимизни жисмоний чиниқтириш ва руҳан тетиклаштириш ва ҳаётда олдинга интилиб яшашга ундайдиган ўйинлар ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, боғчамизда болажонлардан ташқари тарбиячилар иштирокида ҳам спорт мусобақалари ўтказиляпти. Тарбиячиларимиз ўртасида ўтган «Барчиной издошлари» мусобақасида «Олимпиада» ва «Чемпион» гуруҳлари ўзаро беллашиб, «Чемпион» гуруҳи ғолиб бўлди ва маъмуриятимиз томонидан тақдирланди.

Шунингдек, тарбияланувчиларимиз ўртасида «Ҳаракатли ўйинлар-ўйнаймиз», «Биз ёш спортчилармиз», «Қувноқ стартлар» мусобақалари ўтказилиб, ғолибликни қўлга киритганлар совғалар билан рағбатлантирилди. Бир сўз билан айтганда, ташкилотимизда болажонларимизнинг ақл ва жисмонан бақувват бўлиб улғайишлари учун шарт-шароитлар яратиш билан бирга, уларнинг ҳаётда фаол ва изланувчан, тиришқоқ бўлишлари учун педагогик жамоамиз томонидан барча тадбирлар олиб бориляпти. Зеро, ўсиб келатган ёш авлодга мукамал берилган таълим-тарбия, билим келгусида жонажон Ватанимиздан Учинчи ренессанс – уйғониш даврининг чинакам вакиллари, яъни истеъодларининг етишиб чиқишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Вилоятхон ШОДИЕВА тайёрлади.



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «Баркамол авлод – учинчи Ренессанс пойдевори» лойиҳаси учун ажратилган грант доирасида тайёрланди.



«BOLALAR SPORTI
GAZETASI»
mas' uliyati cheklangan
jamiyati

БОШ МУҲАРРИР:
Ойбек АБДУРАҲМОНОВ

Тахририят манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тел/факс: (0-371) 232-12-03, (+998 97) 755-10-11.

«BOLALAR SPORTI»дан олинган маълумотлардан фойдаланилганда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «BOLALAR SPORTI» оригинал макети.

Босишга топшириш вақти – 20.00. Топширилган вақти – 19:50.

Газета «ШАРҚ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

«BOLALAR SPORTI» газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 11 майда 0577 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Бичими: А-3. Ҳажми: 2 босма табоқ.

Нашр кўрсаткичи: 615.

Буюртма рақами: Г-904 Адади: 3 485

Газета ҳафтанинг сешанба кuni чиқади.

Муассис:

«BOLALAR SPORTI GAZETASI» масъулияти чекланган жамияти.

Электрон почта: bolalarsportuz@umail.uz

bolalarsporti@bk.ru